

КЎРСАТУВЛАРНИ ОЛДИНДАН МУСТАҲКАМЛАБ ҚЎЙИШ ТАСНИФИ ВА ТУРЛАРИ

Абдуллаев Акмалжон Йўлчибоевич

*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Дастлабки тергов ва
суриштирув кафедраси ўқитувчиси
0009-0002-4302-2341*

Ражабов Телман Қудратович

*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратура
тингловчиси*

Аннотация: Мазкур мақолада кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институтининг таснифи ва турлари, кўрсатувлари олдиндан мустаҳкамлаб қўйиладиган жиноят процесси иштирокчилари доирасини кенгайтириш масаласи хорижий давлатлар тажрибаси асосида таҳлил қилиниб, бу борада амалиётда юзага келатган муаммолар, унинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида фикр ёритилган. Шунингдек, одил судловни қўллаб-қувватловчи мазкур институтнинг самарадорлигини оширишга қаратилган амалдаги жиноят процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар асослаб берилган.

Калит сўзлар: гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, кўрсатув, мустаҳкамлаш, сўроқ, суд, ишни судга қадар юритиш.

Кўрсатувларни суд тартибида олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институтининг қиёсий таҳлилидан фойдаланиб, уни бир нечта мезонларга кўра қуйидагича таснифлаш мумкин:

биринчидан, ташаббус кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган шахсга қараб жиноят процесси оммавий иштирокчиларининг илтимосига биноан кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш;

иккинчидан, жиноят процессининг хусусий иштирокчиларининг илтимосига биноан кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш;

учинчидан, суднинг ташаббуси билан кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш.

Эндиликда юқоридаги тасниф бўйича бирма-бир таҳлил қилиб чиқсак.

1. Жиноят процессининг оммавий иштирокчиларининг илтимосига биноан кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш. Қиёсий ҳуқуқий таҳлил шуни кўрсатадики, жиноят процессининг оммавий иштирокчилари (прокурор, терговчи ва суриштирувчи) орасида терговчи ёки прокурор кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисида судга ариза бериш ҳуқуқига эга.

Арманистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси лойиҳасининг 313-моддасида жиноят процессининг оммавий иштирокчиси сифатида кўрсатувларни фақат терговчига олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисида судга ариза бериш имкониятини беради¹. Прокурор бундай илтимос билан чиқиш ҳуқуқига эга эмас.

¹ Статъя 313 Проекта УПК РА // [URL:http://www.justice.am/storage/files/legal_acts/legal_acts_5771447415](http://www.justice.am/storage/files/legal_acts/legal_acts_5771447415)



Қозоғистон Жиноят-процессуал кодексининг 217-моддасида бундай аризани фақат прокурорга бериш имконияти мавжудлиги белгиланган². Судгача терговни амалга оширувчи шахс аризага жабрланувчи ёки гувоҳнинг кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш зарурлигини тасдиқловчи жиноят ишининг материалларини илова қилади. Шундай қилиб, прокурор ўз ташаббуси билан ёки дастлабки терговни амалга ошираётган шахснинг илтимосига биноан кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисида илтимоснома бериши мумкин.

Прокурорнинг кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисида сўров юбориш ваколати Молдова Жиноят-процессуал кодексининг 2003 йилдаги 109-моддасида, Эстония Жиноят-процессуал кодексининг 69.1-моддасида ва бошқа қонунларда ҳам назарда тутилган.

Шуниси эътиборга лойиқки, баъзи мамлакатларда кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисидаги ариза фақат жиноят процессининг оммавий иштирокчиси томонидан берилиши мумкин. Молдова Жиноят-процессуал кодексининг 109-моддаси 3-қисмида, агар гувоҳ чет элга кетган шунингдек, гувоҳ учун аниқ хавф таҳдидини камайтириш ёки йўқ қилиш, гувоҳни қайта айбланнинг олдини олиш ҳамда бошқа узрли сабабларга кўра ишни судда кўришда иштирок эта олмаса, прокурор гумон қилинувчига, айбланувчига, унинг ҳимоячисига, жабрланувчига сўрок қилинаётган гувоҳга саволлар бериш имкониятини яратиб, жиноят ишлари бўйича судьядан сўрок қилишни талаб қилиши мумкин³.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 121²-моддаси 2-қисмида кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш зарур бўлганда суриштирувчи, терговчи кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақида қарор чиқариши ва уни зарур материаллар билан бирга прокурорга юбориши белгиланган⁴.

Юқоридаги нормадан келиб чиқиб шуни айтишимиз мумкинки, суриштирувчи ёки терговчи дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш жараёнида гувоҳ ёки жабрланувчини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетиши, уларда жиноят ишини юритишда иштирок этишни истисно қиладиган оғир ва давомли касаллик мавжудлиги каби асосларни аниқлаган тақдирда келгусида исбот қилиш жараёнини кечиктирмаслик мақсадида кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш ташаббуси билан чиқиб, бу ҳақида тегишли тартибда чиқарилган қарорни зарур материалларни илова қилган ҳолда прокурорга юборади.

2. Жиноят процесси хусусий иштирокчиларининг илтимосига биноан кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш. Жиноят процессининг хусусий иштирокчилари орасида кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисидаги илтимоснома, хусусан, айбланувчи, унинг вакили, ҳимоячи, жабрланувчи ва унинг вакили томонидан берилиши мумкин.

Арманистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси лойиҳасининг 312-моддасига мувофиқ, процесснинг хусусий иштирокчиси муайян шахсдан тегишли кўрсатма олиш учун шахс суд муҳокамасига кела олмайди ёки суд муҳокамасида кўрсатув беришдан қонуний равишда бош тортса, деган асосли ишонч мавжуд бўлса, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисида илтимоснома билан чиқиши мумкин.

Айрим қонун ҳужжатларида депонентларга кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш учун ариза бериш ҳуқуқи берилган. Америка Қўшма Штатлари Жиноят ишлари бўйича судининг 15-қондасига кўра, ҳибсда бўлган гувоҳ ўз кўрсатувларини ёзма ариза ва томонларга билдиришнома билан тўлдиришни сўраши мумкин.

_QrDat-_VERJNAKAN.pdf

² Статъя 217 УПК Республики Казахстан //URL:<http://pravo.zakon.kz/4526068-does-its-na-proekt-ugolovno.html>

³ Статъя 109 УПК Молдовы // URL:<http://lex.justice.md/viewdoc.php>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. –Т.:Ўзбекистон, 2023. 121²-модда.



Бизнинг қонунчилигимизда эса ушбу қоида ЖПКнинг 121²-моддаси 3-қисмида қуйидаги тартибда қайд этилган: «Гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), гувоҳ ва ҳимоячи кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисида прокурорга мурожаат қилади»⁵.

Юқоридаги моддани шарҳлайдиган бўлсак, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш ташаббуси нафақат жиноят процессининг оммавий иштирокчилари томонидан, балки гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), гувоҳ ва ҳимоячи томонидан ҳам илгари сурилиб, бу ҳақида прокурорга мурожаат қилишлари мумкинлиги қонунчилигимизда ўз аксини топганлиги уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун билан ҳимоя остига олинганлигидан далолат беради.

3. Суд ташаббуси билан кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш. Баъзи мамлакатларда судьялар ўз ташаббуси билан кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўядилар. Жумладан, АҚШ Массачутес штатининг жиноят ишлари бўйича судининг 35-қоидаси истисно ҳолатларда адолат манфаатларини кўзлаб суд ўз ташаббуси билан ёки тарафларнинг илтимосига биноан гувоҳнинг кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўяди⁶.

Гарчи, ушбу норма миллий қонунчилигимизда қайд этиб ўтилмаган бўлсада, кўп меҳнат талаб этиладиган, жуда мураккаб ёки ўта долзарб, кўп эпизодли жиноят ишлари юзасидан суд муҳокамаси давом этаётган жараёнда дастлабки терговда қатнашган гувоҳ ёки жабрланувчининг суд муҳокамаси даврига келиб, Ўз.Р.ЖПКнинг 121²-моддасида кўрсатилган асослар сабаб суд муҳокамасида иштирок эта олмаслиги эҳтимолдан ҳоли этилмайди. Шу боис суд ўз ташаббуси билан ёки тарафларнинг илтимосига биноан суд муҳокамаси босқичида кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйишни қонунчилигимизга киритишни ўйлаб кўриш назаримизда мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Кўрсатувлари олдиндан мустаҳкамлаб қўйиладиган шахсга (депонентга) қараб, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйишнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- гувоҳнинг (жабрланувчининг) кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш;
- эксперт (шифокор)нинг кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш;
- айбланувчининг кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш.

Гувоҳнинг (жабрланувчининг) кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш. Гувоҳнинг (жабрланувчининг) кўрсатувларини суд тартибида олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш - кўрсатувларни суд тартибида олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институтини назарда тутувчи деярли барча мамлакатлар қонунчилиги билан белгиланади.

Кўрсатувларни суд тартибида олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институти кўп ҳолларда гувоҳ (жабрланувчи) суд муҳокамасида иштирок этиш имкониятига эга эмас деб тахмин қилиш учун асослар мавжуд бўлганда қўлланилади. Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиладиган вазиятларни белгилаш учун, «имкониятга эга бўлмаслик» ёки «имконсиз» сўзларини аниқлаштириш керак.

Одатда, фалсафада «имконсиз» деганда қонунлар томонидан истисно қилинган содир бўлиши воқеликка хос бўлган ҳодисалар тушунилади»⁷. Бир киши учун имконсиз бўлган нарса бошқаси учун мутлақо мумкинлиги аниқ⁸.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. –Т.:Ўзбекистон, 2023. 121²-модда.

⁶ Правило 35 Уголовного судопроизводства штата Массачутец// URL:<http://www.mass.gov/courts/case-legal-res/rules-of-court/criminal-procedure/crim.35.html>

⁷ См.: Философия:энциклопедический словарь/ под ред.А.А.Ивина. М.:Гардарики 2004. С.20.

⁸ См.: Феногинтов В.Н. О возможном и невозможном // Научные ведомости Белгородского государственного ун-та. Серия «Философия. Социология.Право». Вып.11.2010. №2 //URL:<http://cyberleninka.ru/article/o-vozmozhnom-i-nevozmozhnom>



Судга келишнинг мумкин эмаслигини талқин қилишда «имконсизлик» сўзининг тор тушунчасига таянмаслик керак. Гап шундаки, ушбу тушунчанинг тор талқини билан фақат объектив равишда чиқариб ташланган нарса мумкин эмаслиги маълум бўлади, шунинг учун кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш учун асослар нуқтаи назаридан, фақат шол ёки вафот этган гувоҳнинг пайдо бўлиши мумкин эмас. Бошқа ҳолларда, масалан, гувоҳнинг Ўзбекистондан кетиши ёки узоқда бўлиши ўз-ўзидан гувоҳнинг Ўзбекистонга қайтиб келиши ва судда гувоҳлик бериши мумкинлигини истисно қилмайди. “Судга келишнинг имконсизлиги” тушунчасининг бундай тор талқини кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш моҳияти ва мақсадига зид эканлиги аниқ.

Бундан ташқари, лингвистик изоҳли луғатда «имконсиз» сўзи нафақат амалга ошириб бўлмайдиган, балки қийин деб ҳам изоҳланади⁹. Кўриниб турибдики, «судга кела олмаслик» баҳолаш тушунчаси сифатида кўриб чиқилиши ва гувоҳнинг судга келиши қийинлиги даражаси ҳар бир алоҳида ҳолатда ҳал қилиниши керак. Гувоҳнинг (жабрланувчининг) судга келиши мумкин эмаслиги учун асос қуйидаги ҳолларда юзага келади.

Биринчидан, гувоҳ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетиши мумкин. Мисол учун, чет эллик жабрланувчи ўз фуқаролиги бўлган мамлакатга қайтишни хоҳлайди. Ўзбекистон Республикасини тарк этиш ва суд мажлисида иштирок эта олмаслик ҳолати гувоҳ узоқ муддатга хизмат сафарига боришга қарор қилганда ҳам юзага келиши мумкин.

Иккинчидан, гувоҳ бориш қийин бўлган жойда ёки суд жойлашган жойдан узоқ масофада жойлашган бўлиши ёки яшаши мумкин. Масалан, дастлабки тергов жараёнида гувоҳ бориш қийин бўлган жойда жойлашган ҳарбий қисмга чақирилиши мумкин, деб ҳисоблашга асос бор. Бориш қийин бўлган ёки узоқдаги ҳарбий қисмга чақирилган ҳарбий хизматчининг судга чиқиши жуда қийин (талқин қилинган асослар маъносида - имконсиз).

Учинчидан, соғлиғининг ёмонлашиш эҳтимоли. Мисол учун, гувоҳ қандайдир касалликдан азият чекади ва шифокорларнинг фикрига кўра, вақт ўтиши билан унинг соғлиғи ёмонлашса, бемор хушини йўқотиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал қонунчилигида гувоҳ ва жабрланувчининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш учун бундай мустақил асос назарда тутилмаган.

Арманистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси лойиҳасида назарда тутилган ҳуқуқий тартибга солиш шартларига кўра, суд мажлисига келишнинг иложи йўқлиги сабабли кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйишга асос учун мақсадли талқин қўлланилиши керак ва ушбу ҳолда бу асос гувоҳнинг (жабрланувчининг) хавфсизлигини таъминлаш мақсадида унинг кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйишга ҳам қўлланилиши мумкин. Муайян суд муҳокамасида гувоҳнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқий таҳдид мавжудлиги гувоҳнинг (жабрланувчининг) келишининг мумкин эмаслиги деб қаралиши керак. Гап шундаки, гувоҳнинг (жабрланувчининг) ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқий таҳдид уни асосий суд мажлисида иштирок этишни танлаш имкониятидан маҳрум қилади ёки уни ўта қийинлаштиради.

Бундай ҳолда, гувоҳнинг (жабрланувчининг) ҳаёти ёки соғлиғига таҳдид мавжуд бўлган тақдирда, махсус ҳимоя чораларини қўллаш орқали гувоҳнинг (жабрланувчи) хавфсизлигини самарали таъминлашнинг иложи бўлмаса, судда ҳимояланаётган шахсни унинг шахси тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилмасдан сўроқ қилиш ёки телекоммуникация техник воситаларидан фойдаланган ҳолда (видеоконференцалоқа орқали) сўроқ қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

⁹ Толковый словарь великорусского языка Владимира Даля // URL:<http://slovardalja.net/world.phd.wordid=19197>



Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ЖПКда гумон қилинувчи ёки айбланувчи терговдан яширинганлиги ёхуд унинг турган жойи бошқа сабабларга кўра аниқланмаганлиги асосида тўхтатилган жиноят ишлари бўйича гувоҳлар ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш режими назарда тутилмаган. Гап шундаки, агар айбланувчи суд мажлисидан яширинган бўлса ёки айбланувчи сифатида келтирилиши керак бўлган шахс номаълум бўлса, у ҳолда жиноий жараён номаълум муддатга тўхтатилади ва йиллар ўтгач, айбланувчини ҳибсга олиш (аниқлаш) ва суд жараёнини қайта бошлаш пайтида далиллар йўқолиши мумкин, хусусан, гувоҳ ёки жабрланувчи чет элга кетганлиги, вафот этганлиги, оғир касаллиги ёки хотирасини йўқотганлиги сабабли судга кела олмаса ёки мавжуд бўлса ҳам, бир неча йил аввал содир бўлган ишнинг ҳолатларини тўлиқ такрорлай олмайди. Бундай вазиятда кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйишга одатий асос йўқ - судга келишнинг имконсизлиги, чунки агар жараён тўхтатилмаганида, гувоҳ ва жабрланувчи судга келиши ва кўрсатма бериши мумкин эди.

Бундан ташқари, жиноят иши бўйича қидирувда бўлган шахс иш бўйича асосий гувоҳ сифатида ўтаётган гувоҳни келгусида излаб топиб, ундан дастлабки берган кўрсатувларини унинг фойдасига ўзгартиришни талаб қилиши ёки уни шундай кўрсатувлар беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиши ёхуд эвазига уни моддий манфаатдор этишга кўндириши эҳтимолдан ҳоли эмас ёки буни олди олиниши кафолатланмаган. Дастлабки тергов чоғида сўроқ қилинган гувоҳ суд мажлисида ўз кўрсатувларини ўзгартириб, дастлаб берган кўрсатувларини тасдиқламасдан била туриб ёлғон кўрсатув бериши маълумки, Ўз.Р.ЖКнинг 238-моддаси 1-қисмига асосан, айбланувчига нисбатан эса ЖКнинг 238-моддаси 2-қисмига асосан жиноий жавобгарликка тортилишига асос бўлади. Лекин гувоҳ дастлабки берган кўрсатувларини турли сабаблар билан, яъни суриштирув ва тергов органининг босими остида берганлиги, дастлабки кўрсатув бериш вақтида кучли ҳаяжонда, кўрқувда бўлганлиги ёки ўша вақтда соғлиғининг мазаси бўлмагани боис нима деб кўрсатув берганлигини эслай олмаслиги билан изоҳлайди. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 26-моддаси 2-қисмига кўра, суд тергов органи томонидан тўпланган жиноят ишидаги далилларга эмас, балки фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиб ҳукм чиқариши белгиланган¹⁰. Мазкур ҳолатда агар гувоҳ ошкор этишни хоҳламаса, қидирувда бўлган айбланувчининг босими остида кўрсатувларини ўзгартирганлигини аниқлаш ва буни исботлаш жараёни қийин кечади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, терговдан яширинганлиги боис қидирув эълон қилиниб, тўхтатилган жиноят ишлари бўйича вақт ўтиши билан далиллар йўқолиши мумкин деб ҳисоблаш учун асослар мавжуд бўлса гувоҳлар ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш жараёнини қонунчилигимизда жорий этиш масаласини кўриб чиқиш ўйлаймизки, аслида мақбул далилларни кейинчалик номақбул деб топилишини олди олиниб, исботлаш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Экспертнинг кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиши. АҚШ қонунлар тўпламининг 26-бўлими иловасининг 76-Қоидаси эксперт-гувоҳнинг кўрсатувлари тарафларнинг розилиги ёки суд қарори билан олдиндан мустаҳкамлаб қўйилиши мумкинлигини белгилайди¹¹. Ушбу қоиданинг “б” бандига кўра, эксперт-гувоҳнинг кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш унинг билими, малакаси ва маълумоти билан чегараланади, бу эса гувоҳнинг эксперт сифатида кўрсатма бериш имконини беради.

Баъзи қонун ҳужжатларида «эксперт кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш» тушунчаси мавжуд эмас, лекин «шифокор ёки шифокор-гувоҳнинг кўрсатувларини олдиндан

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. Т. 2023 26-модда.

¹¹ Правило 76 приложения раздела 26 кодекса США //URL:<https://www.law.cornell.edu>



мустаҳкамлаб қўйиш» тушунчасидан фойдаланилади. 2010 йилги Джорджия кодекси, шахс - вояга этмаган боланинг нормал ривожланишига тўсқинлик қилишга қаратилган жиноятларда ёки жинсий зўравонлик деб топилган жиноятларда айбланган ҳолларда шифокорнинг кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйишга рухсат беради.

Айбланувчининг кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш. Айбланувчининг кўрсатувларини суд тартибида олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш бир неча мамлакатлар қонунларида назарда тутилган. Қиёсий ҳуқуқий таҳлил шуни кўрсатадики, айрим ҳолларда айбланувчининг айбига иқроп бўлиши учун кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш мумкин. Арманистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси лойиҳасининг 312-моддасига мувофиқ, кўрсатувларни суд тартибида олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш терговчининг илтимосига биноан, айбланувчининг айбига иқроп бўлиши мақсадга мувофиқлигини таъминлаш учун амалга оширилади. Арманистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси лойиҳасининг 189-моддаси 3-қисмига биноан гумон қилинувчини сўроқ қилиш, агар суд муҳокамаси давомида судланувчи ўз кўрсатувини ўзгартириши ёки кўрсатув беришдан бош тортиши мумкин, деб ҳисоблаш учун асослар мавжуд бўлса, прокурорнинг ташаббуси билан тергов судьяси томонидан амалга оширилади.

Қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, хорижий давлатларда, умуман олганда, айбланувчининг кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш имконияти (Қозоғистон, Украина, Грузия ва бошқалар) таъминланмаган. Шу билан бирга, алоҳида мамлакатларнинг жиноят-процессуал кодексларида кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институти ўрнатилганлигини таъкидлаш керак.

Жумладан, Литва Жиноят-процессуал кодексининг 189-моддаси 3-қисмида қуйидагича келтирилган: гумонланувчини прокурор ташаббуси билан тергов судьяси томонидан сўроқ қилиш, агар суд муҳокамаси давомида судланувчи ўз кўрсатувини ўзгартириши ёки кўрсатув беришни рад этиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин деб ҳисобланса, амалга оширилади. Ҳуқуқий адабиётларда Литва Жиноят-процессуал кодексининг ушбу қондаси мутахассислар томонидан танқид қилинган. Баъзи назарийчилар: қандай ҳақиқий истисно ҳолатлар айбланувчининг бўлажак судда иштирок этишига тўсқинлик қилиши мумкин деган савол беришади. Гипотетик жиҳатдан, бундай ҳолат фақат гуруҳ жинояти билан боғлиқ жиноят иши бўйича судланувчилардан бирининг ҳаёти ёки соғлиғига таҳдид солиши мумкин. Бошқа барча ҳолатларда, суд процессуал қоидаларига мувофиқ амалга оширилган, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш шаклида айбланувчини дастлаб сўроқ қилиш мумкин эмас, чунки бу судда сўроқнинг маъносизлигига ва алмашишига олиб келади¹².

Судда айбланувчининг кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тарафдорларининг далилларини икки гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳ далилларига кўра, айбланувчининг кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйишдан мақсад жамиятда кенг тарқалган терговчининг виздонсизлик презумпция сени рад этишдир, унга кўра терговчи айбга иқрорликни асосан куч билан ҳал этади.

Жумладан, Арманистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси лойиҳасини ишлаб чиқувчи ишчи гуруҳ раҳбари Г.Гукасян қайд этадики: “Жамиятда барча ҳолатларда иқрорлик зўравонлик ва қийноқлар орқали олинади, деган фикр кенг тарқалган: бу ғоялар презумпция кучига эга бўлиб, унга кўра виждонли терговчилар мавжуд эмас. Айбланувчи судда ундан қийноқлар орқали айбига иқроп бўлганлигини ошқора эълон қилгандагина бу фикр ўз тасдиғини топади. Кўпинча

¹² См.: Попов А.А. Проблемы регламентации досудебного депонирования показаний в уголовном процессе// Проблемы в российском законодательстве. 2014. № 6. С. 196-200



химоячилар айбланувчиларни далилларга шубҳа уйғотиш ва ишни тергов қилишни кечиктириш мақсадида шундай қадам ташлашга ундашади”¹³.

Арманистон Республикаси кассация судининг Жиноят палатаси раиси Д.Аветисян ўз интервьюларидан бирида таъкидлашча айбланувчининг кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш айбланувчи ҳар сафар терговчи иштирокида ўз айбига иқрорлигини ёлғон деб эълон қилган ҳолда, тергов учун муҳим бўлган ушбу далилларнинг номақбул деб топилишига эришиши мумкин бўлган вазиятнинг олдини олишга қаратилган”¹⁴.

Иккинчи гуруҳ даллиларига кўра, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш, қўшимча химоя чораси бўлиб, терговчининг кўрсатувларни сохталаштиришига йўл қўймаслигига қаратилган. Арманистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси лойиҳасини ишлаб чикувчи ишчи гуруҳ аъзоси Р.Меликян кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйишни терговчи томонидан кўрсатувларни қалбакилаштириш эҳтимолининг олдини олишга қаратилган қўшимча химоя воситаси сифатида қарайди. Интервьюларнинг бирида назариётчи шундай таъкидлади: “Биз қалбакилаштиришни қийинлаштириш учун банкнотага қўшимча химоя элементини (масалан, сувли белги) қўшмоқдамиз. Рақибларимиз эса, бу билан биз ёмон иш қилаётганлигимизни айтишади чунки агар бу хавфсизлик элементи қалбакилаштирилган бўлса, ҳақиқий купюра сохтадан ажратиш қийинроқ бўлади”¹⁵. Кўриб турганингиздек, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тарафдорларининг далиллари бир-бирига зид: бир гуруҳ буни терговчининг виждонсизлик презумпциясини рад этиш воситаси сифатида қараса, бошқалари буни терговчининг кўрсатувларни қалбакилаштиришнинг олдини олиш воситаси сифатида кўради.

Бизнинг фикримизча, бу масалада Г.Канзяннинг ёндашуви тўғрироқ кўринади, чунки унинг қайд этишича “Агар бирор шахс химоячи иштирокида кўрсатма берса, кейинчалик унинг қийноқлар натижасида берилганлиги ҳақида баҳслашмаслик учун унинг кўрсатувларини суд тартибидан олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғри бўлади. Муҳокама қилинаётган муассасани жорий этишнинг салбий томони шундаки, тергов органи ушбу муассасанинг мавжудлигини суиистеъмол қилиши ва айбланувчининг кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиши мумкин, бунда айбланувчи судда ўзининг самимийлигини исботлай олмайди. Бизнинг ҳаётимизни ҳисобга оладиган бўлсак, бу ерда хавф бор”¹⁶.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ЖПКда процесс иштирокчиларидан фақатгина гувоҳ ва жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)нинг кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асоси ва тартиби келтириб ўтилган. Бизнинг фикримизча, Арманистон Республикаси ЖПК лойиҳасида ва Литва Республика ЖПКда қайд этилган айбланувчининг кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаш тизимини миллий қонунчилигимизда жорий этиш масалани кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, баъзи бир айбланувчилар руҳий босим остида, баъзилари эса жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиши келгусида тайинланиши мумкин бўлган жазо чорасини оғирлашишига сабаб бўлади деб ўйлаб, ўз кўрсатувларини ўзгартиради. Бу эса назаримизда, мазкур институтни камчиликлари борлигидан далолат беради. Шу боис жиноят процессида фақатгина гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаш билан

¹³ Гукасян Г. «Хочу, чтобы правосудие было защищено от лжи и интриг». Интервью //Пастинфо. 10.07.2013// URL: <http://www.pastinfo.am/hy/node/24343> (на арм.языке)

¹⁴ См.: Аветисян Д. О. Проекте УПК РА//Панорама. 04.10.2013// URL: <http://www.panorama.am/news/2013/10/04/d-avetisyan/431717> (на арм.языке)

¹⁵ Меликян Р. «Уголовно-процессуальный кодекс Республики Армения написан с нуля»: интервью//Квадрат.04.11.2013// URL: <http://www.hrparac.am/> (на арм.языке)

¹⁶ Казинян Г. Положительные и отрицательные стороны депонирования показаний. 05.10.2014 // URL: <http://iravaban.net/66238.html> (на арм.языке)



чегараланиб қолмасдан, келгусида дастлабки берилган кўрсатувлар ўзгариб, ҳақиқатда жиноят содир этган шахсларни жавобгарликдан қутулиб қолишини олдини олиш мақсадида ЖПКга гумон қилинувчи ва айбланувчининг кўрсатувларини ҳам олдиндан мустаҳкамланишига алоҳида аҳамият беришни назарда тутадиган қоидаларни киритиш масаласини кўриб чиқишни зарур деб ҳисоблаймиз.

Шундай қилиб, юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги хулосага келишимиз мумкин:

- 1) агар гувоҳ (жабрланувчи) суд мажлисида иштирок эта олмайди ёки унинг иштироки қийинлиги ҳақида тахмин қилиш учун асослар мавжуд бўлса, дастлабки тергов давомида кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйишни аниқлаштириш зарур.
- 2) қонун ҳужжатларида гувоҳнинг (жабрланувчининг) кўрсатувлари, агар унинг суд муҳокамасида иштирок этиши гувоҳнинг (жабрланувчининг) ҳаёти ёки соғлиғига ҳақиқий хавф туғдириши мумкин деб ҳисоблаш учун асослар мавжуд бўлса, олдиндан мустаҳкамлаб қўйилиши мумкинлиги назарда тутилиши керак. Шу асосда, агар гувоҳнинг (жабрланувчининг) хавфсизлигини қонун ҳужжатларида назарда тутилган махсус ҳимоя чораларини қўллаган ҳолда самарали таъминлаш мумкин бўлмаса, кўрсатувлар олдиндан мустаҳкамлаб қўйилади.
- 3) агар айбланувчининг терговдан яшириниб юрганини аниқлаш ва уни яқин орада тергов органига ёки судга таъминлаш имкони йўқ, деб ҳисоблаш учун асослар мавжуд бўлса ва вақт ўтиши билан далиллар йўқолиши мумкин деб ҳисобланган тақдирда гувоҳнинг (жабрланувчининг) кўрсатувларини тўхтатилган жиноят ишлари бўйича олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш мумкин.
- 4) кўп меҳнат талаб этиладиган, жуда мураккаб ёки ўта долзарб жиноят ишлари юзасидан суд муҳокамаси босқичида дастлабки терговда иштирок этган гувоҳ ёки жабрланувчиларни судда иштирок эта олмаслиги тўғрисида асослар аниқланган тақдирда суд ўз ташаббуси билан ёки тарафларнинг илтимосига биноан суд муҳокамаси босқичида ҳам уларнинг кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйишни қонунчилигимизга киритиш лозим.

